«Жомеъ ут-таворих» («Солномалар мажмуаси») комусий олим Рашидиддин Фазлуллох ибн Имомуддавла Абулхайр томонидан 1302—1311 йилларда ёзилган. Уч кисмдан иборат. Биринчи кисми («Тарихи Гозоний»)да турк-мўгул халкларининг Чингизхонгача бўлган тарихи, Чингизхон тузган йирик феодал давлат, Чингизхоннинг юришлари, унга карам бўлган мамлакатлар тарихи, XII—XIII асрларда Шимоли-Шаркий Осиёда кўчиб юрган турк ва мўгул кабилаларининг келиб чикиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий хаётда тутган ўрни кенг шархланиб, Гозонхон (1295—1304) ўтказган ижтимоий-сиёсий ва иктисодий ислохотлар батафсил ёритилган. Асарнинг иккинчи кисми Султон Улжойтухон (1304—1317) нинг топшириги билан элхонийлар саройида истикомат килиб турган чет эллик олимлар (кашмирлик бахши Камалашри, хитойлик олим Ли Да-чжи, франциялик бир монах, иккита форс олими ва х. к.) иштирокида ёзилган. Асарда мўгул истилосига кадар мусулмон оламининг тарихи, шунингдек яхудийлар, Оврупо, Византия, Рим, Хитой ва Хиндистон тарихи баён этилган. Учинчи кисм жўгрофий асар бўлиб, «Етти иклим», яъни оламнинг инсон истикомат килиб турган тўртдан бир кисми тавсифига багишланган. Бу кисм бизгача етиб келмаган.
Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асари Шарк ва Гарб олимларининг эътиборини кўидан бери жалб этиб келяпти. XV асрда Эроннинг йирик тарихчиларидан бири «Жомеъ ут-таворих»нииг давомини ёзиб, Эрон тарихини 1371 йилгача давом эттирган. Хофизи Абрунинг бу асари «Зайли жомеъ ут-таворих» («Жомеъ ут-таворих»га кўшимча») номи билан машхур.

Асар 1937—1938 йиллари проф. Хонбобо Баёний томонидаи Техронда нашр этилган. Асарнинг биринчи кисми, яъни «Тарихи Гозоний» француз шаркшунос олимлари М. Катрмер (1816) Э. Блоше (1911) ва чех олими К. Ян (1941) томонидан чоп этилган. Рус шаркшуноси И. Н. Берёзин «Тарихи Гозоиий»ни изчил ўрганди ва унинг форсча матни билан русча таржимасини нашр эттирди (1858, 1868, 1888). «Жомеъ ут-таворих» рус шаркшунос олимларидан А. А. Ромаскевич, Е. Э. Бертельс, Л. А. Хе-тагуров, А. А. Алнзода, А. К. Арендслар тарафидан, русча изохи билан 1968 йилда Москвада нашр килинди.